

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЗИБОЕВ БЕҲЗОД ҲАМИДОВИЧ

**МИНТАҚАДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Қўзибоев Бехзод Ҳамидович

Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш механизмларини

такомиллаштириш.....5

Кузибоев Бехзод Ҳамидович

Совершенствование механизмов развития сферы услуг в регионе.....25

Kuziboev Bekhzod Hamidovich

Improving the mechanisms of development of service sphere in the

region.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЗИБОЕВ БЕҲЗОД ҲАМИДОВИЧ

**МИНТАҚАДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Iqt912 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаев Илёс Султанович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тухлиев Искандар Суюнович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович
иктисодиёт фанлари доктори


Етакчи ташкилот: **Қорақалпоқ давлат университети**


Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 4.10.26 соат 18.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 220200, Урганч ш., Х.Олимжон кўчаси -14. Тел.: (998-62) 224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: info@urdu.uz).


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 0-45 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220200, Урганч ш., Х. Олимжон кўчаси -14.. Тел.: (998-62)224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: arm@urdu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 4.10.26 кuni тарқатилди.
(2021 йил «24» 4.10.26 даги № 5 рақамли реестр баённомаси).



**О.К. Хатамов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д.

**Ш.Б. Рузметов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Б. Рузметов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг бугунги тараққиёти хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим манбаига, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишни таъминлашнинг муҳим йўналишига айланган. “Жаҳон ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 61,2 фоизни, аҳоли бандлигидаги улуши 50,1 фоизни ташкил қилмоқда. Ривожланган давлатларда эса хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулот ва бандликни таъминлашдаги улуши ўртача 70-80 фоизни ташкил қилади”¹. Хизмат кўрсатиш аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта имкониятга эга соҳалардан бири ҳисобланади. Коронавирус пандемиясининг таъсири туфайли жаҳон миқёсида хизматлар соҳаси ўсиш суръатларининг пасайиши уни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда хизматлар соҳасини инновацион ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш йўналишида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада хизматлар соҳасига оид илмий тадқиқотларда БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) нинг барқарор ривожланиш мақсадлари ва Европа Иттифоқининг 2019-2024 йиллар учун устувор вазифаларидан ҳисобланган яшил иқтисодиёт, рақамли трансформациялашув, аҳолини муносиб иш ўрни билан таъминлаш ва иқтисодий ўсишга эришиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётганлиги таъкидланди ва тармоқни тартибга солиш, ундаги методологияларни халқаро стандартларга мослаштириш вазифаси қўйилди². Давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган юқоридаги вазифалар устувор аҳамият касб этганлиги сабабли минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд. Шу мақсадда хизматлар соҳасини ривожлантиришда унинг илмий-услубий асосларини, мамлакат минтақаларида хизматлар соҳасини барқарор ривожланиш даражасини баҳолашни такомиллаштириш, соҳани рақамлаштириш даражасини ошириш, ривожланишнинг ўрта ва узок истиқболга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Манба: <http://wdi.worldbank.org/table/4.2>; <https://data.worldbank.org/indicator/SL.SRV.EMPL.ZS>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 16 июнь куни хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши. <https://president.uz/ru/lists/view/3652>

Харакатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 16 июндаги ПҚ-4752-сон “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизматлар соҳасининг минтақавий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари билан боғлиқ назарий-услубий асослари иқтисодиёт соҳасидаги хорижлик олимлардан С.Иллерис, Хуан Р.Куадрадо-Роура, Л.Сенн, И.Флорин, Х.Бремм, С.Боззи³, МДХ мамлакатлари олимларидан Е.А.Дмитриева, С.А.Махошева, С.Р.Кривко, Г.В.Деружинский, А.Е.Еременко⁴ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда хизматлар соҳасини назарий-услубий ва минтақавий жиҳатлари М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Б.Н.Навруз-Зода, М.Э.Пўлатов, О.Ҳ.Хамидов, И.С.Абдуллаев, Б.Абдукаримов, Ж.Р.Зайналов, Н.Э.Ибодуллаев, У.Р.Матяқубов, И.С.Очилов, Б.Б.Мардонов ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган⁵.

³ Illeris S. "Producer services: The key sector for future economic development", *Entrepreneurship and regional development*, Volume 1, Issue 3: pp.267-274. Services and regions in Europe, Aldershot, Avebury. 1989; Juan R. Cuadrado-Roura. Service industries and regional analysis. New directions and challenges. *Investigaciones Regionales – Journal of Regional Research*, 36 (2016) – pp. 107-127.; Senn L. The role of services in the competitive position of Milan. In territorial Competition in an Integrating Europe. Ed. Paul Cheshire and Ian Gordon, pp. 48-62. Avebury, 1995.; Ionita Florin, Minodora Ursacescu and Sorin Burlacu. Public services as Poles of Regional Competitiveness in Sustainable Development. *Review of International Comparative Management*, 10 (3): pp. 552-656, 2009.; Bremm H-J. European Integration and German Unification: Territorial Competition under Changed Political and Economic Conditions. In territorial Competition in an Integrating Europe. Ed. Paul Cheshire and Ian Gordon, pp. 48-62. Avebury, 1995.; Bozzi C. Policies for Territorial Competition: the Case of Milan. In territorial Competition in an Integrating Europe. Ed. Paul Cheshire and Ian Gordon, pp. 267-294. Avebury, 1995.

⁴ Дмитриева Е.А. Факторы и принципы развития регионального рынка услуг Магаданской области. ВЕСТНИК НАТ № 2 (22) апрель – июнь 2012.; Махошева С.А. Методические принципы и подходы к формированию модели развития региональной сферы услуг. Известия Кабардино-Балкарского научного центра РАН № 3 (29) 2009.; Кривко С.Р. О принципах развития сферы услуг в проблемных регионах РФ. ОБЩЕСТВО: ПОЛИТИКА, ЭКОНОМИКА, ПРАВО (2012, № 4).; Деружинский Г.В. Теоретико-методологические аспекты понятий “услуга”, “обслуживание”, “сервис” как экономических категорий.// Terra economicus, 2012, Том 10, № 1, часть 2.; Еременко А.Е. Функционал сферы услуг в условиях современной экономики России.// Национальные интересы: приоритеты и безопасность, 23 (260) – 2014.

⁵ М.М.Мухаммедов ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш ва туризмнинг назарий асослари. Монография. –Самарканд: Zarafshon, 2017.-300 б.; Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.// Servis, 2011, № 1, 39-40 б.; Тухлиев И.С., Пўлатов М.Э. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестиция жараёнлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш хусусиятлари. “Туризмда инновацион-инвестиция жараёнларини ривожлантириш истикболлари” мавзусидаги халақаро илмий-амалий конференция. Самарканд 2020 йил 3 июнь. 8-12 б.; Навруз-Зода Б.Н. ва бошқалар. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: “Sadriiddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2017 – 156 б.; Пўлатов

Юқорида қайд этилган хорижлик ва ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотларида хизматлар соҳасини ривожлантириш механизмлари ижтимоий-иқтисодий омиллар ёрдамида такомиллаштирилиб, қатор назарий ва методологик натижалар олинган. Хорижлик олимларнинг ишларида хизматлар соҳасини ривожлантиришга минтақавий жиҳатдан ёндашилган бўлсада, соҳани ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда ижтимоий-иқтисодий омилларга қўшимча равишда бутунги кунда долзарб аҳамият касб этувчи экологик ва рақамли иқтисодиёт омиллари етарлича тадқиқ қилинмаган. Айнан шу ҳолат диссертациянинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170925250 “Минтақа рақобатбардошлигини оширишда ва инновацион ривожлантиришда кластерлаштириш илмий асосларини ишлаб чиқиш” ва №ПЗ-201709202 “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик моҳиятини очиб бериш;

хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари ҳамда улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш;

Хоразм вилояти хизмат кўрсатиш соҳасини комплекс таҳлил қилиш;

минтақада хизматлар соҳасини ривожлантиришга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш;

М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТМИ, 2017 йил.-66 бет.; Ҳамидов О.Ҳ. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. (DSc) дисс. автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2017, 68 б.; Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси автореферати.-Тошкент: ТДИУ, 2017 йил.-66 бет.; Абдукаримов Б. ва бошқалар. Хизматлар ва сервис соҳаларининг моҳияти, самарадорлигини ошириш ҳамда фаолиятини такомиллаштиришни илмий-назарий ва амалий масалалари. “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани (Самарқанд, 2010. 6-10 апрел), 25 б.; Зайналов Д.Р. Услуги и сервис как экономическая категория. // “Сервис” журналы. Самарқанд, 2009. 1-сон. – б.70-77., Ибадуллаев Н.Э. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Иқт.фан.номзоди дисс. автореферати. Самарқанд, 2010, 25 б.; Матякубов У.Р. Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истиқболлари (Хоразм вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2011 йил.-26 бет.; Очиллов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Самарқанд: СамИСИ, 2010 йил.-26 бет.; Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини ошириш.// Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация.//Самарқанд, СамИСИ, 2018 йил, 150 б.

туризм хизматларини ривожлантиришда унинг экологияга таъсирини баҳолаш;

минтақада хизматлар соҳасини барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштириш;

рақамли иқтисодий шакллантиришда хизматлар соҳасини рақамлаштириш механизмини такомиллаштириш;

минтақада хизматлар соҳасини оптимал тартибга солиш механизмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси танланган.

Тадқиқотнинг предмети минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида диссертацияда мантиқий таҳлил, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш ҳамда эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“хизмат” ва “сервис” тушунчаларининг моҳияти назарий жиҳатдан жараёнда иштирок этувчи субъектларга бирдек фойдали ва ҳар бир субъект даражасида ижтимоий зарурий нафлилик асосида такомиллаштирилган;

иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорликни уйғун ҳолда амалга ошириш негизида минтақада хизматлар соҳасининг барқарор ривожланиш даражасини аниқлаш таклиф этилган;

хизмат кўрсатиш соҳасининг рақамлаштириш даражасини интеграл тарзда хизмат кўрсатиш соҳасининг рақамлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян тармоғининг рақамлаштириш даражаси негизида баҳолаш асосланган;

Хоразм вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг 2023 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари хизмат кўрсатиш соҳаларининг рақамлаштириш даражасини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“хизмат” ва “сервис” тушунчаларининг ишлаб чиқилган муаллифлик таърифлари ёрдамида “Туризм хизматлар бозори” номли ўқув қўлланма мазмуни такомиллаштирилган;

минтақада хизматлар соҳасини барқарор (иқтисодий-ижтимоий-экологик) ривожланиш даражасини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усулдан фойдаланган ҳолда Хоразм вилояти хизматлар соҳасининг 2019 йилда барқарор ривожланиш даражаси аниқланган;

Хоразм вилояти хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари ҳисобланган бўлиб, хизматлар ҳажмини белгиланган даражада ўсишини таъминлаш учун зарур бўлган таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши чегаралари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Хоразм вилоят статистика бошқармаси, Экология

ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Туризмни ривожлантириш департаменти маълумотларидан фойдаланилганлиги, келтирилган таҳлилларнинг математик, статистик ва эконометрик усулларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хизматлар соҳасини ривожлантиришда ижтимоий-иқтисодий омилларга қўшимча тарзда экологик ҳамда рақамли иқтисодиёт омилларини ҳам инобатга олган ҳолда ривожлантириш бўйича берилган таклифлар асосида хизматлар соҳасининг назарий-услубий асосларини такомиллаштирилиши, ишлаб чиқилган илмий тавсиялар ва таклифлар асосида минтақаларни, хусусан, Хоразм вилоятида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имкониятларини янада тадқиқ этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақаларда хизматлар соҳасини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти” ва бошқа фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“хизмат” ва “сервис” тушунчалар моҳиятининг назарий жиҳатдан такомиллаштирилган мазмуни “Туризм хизматлар бозори” номли ўқув қўлланмага киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 августдаги 89-03-2755-сонли маълумотномаси). Натижада, “хизмат” ва “сервис” тушунчаларининг мазмуини тизимли ва кенгроқ тушуниш орқали уларни ташкил этишнинг йўналишлари бўйича магистратура талабаларида назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш имконияти яратилган;

иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорликни уйғун ҳолда амалга ошириш негизида минтақада хизматлар соҳасининг барқарор ривожланиш даражасини аниқлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ҳудудларда хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 05/22-02-10/20-989-сонли маълумотномаси). Ушбу усулдан фойдаланиш минтақаларда хизматлар соҳасини барқарор ривожланиш даражасини аниқлаш ҳамда соҳани барқарор ривожлантириш учун аниқ чора-тадбирларни белгилашнинг қўшимча имконини берган;

хизмат кўрсатиш соҳасининг рақамлаштириш даражасини интеграл тарзда хизмат кўрсатиш соҳасининг рақамлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян тармоғининг рақамлаштириш даражаси негизида баҳолаш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ҳудудларда хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 05/22-02-10/20-989-сонли маълумотномаси). Мазкур усулнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида хизматлар соҳаси ва унинг тармоқларини рақамлаштириш даражасини баҳолаш, рақамлаштириш ҳолатига ижобий ва салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш имконияти яратилган;

Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаларининг рақамлаштириш даражасини эътиборга олган ҳолда вилоят бўйича 2023 йилга қадар прогноз кўрсаткичларидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ҳудудларда хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 05/22-02-10/20-989-сонли маълумотномаси). Натижада, 2023 йилда Хоразм вилоятида хизматлар ҳажми 2019 йилга нисбатан 2,2 баробар ўсиши учун соҳадаги ишчилар сони 1,2 баробар ва асосий капитал ҳажми 2,3 баробарга оширилиши зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 6 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, шунингдек 1 та мақола халқаро (Scopus) базадаги журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида иқтисодий барқарор ривожлантиришда хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик моҳияти, минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш тамойиллари, хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари ҳамда улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган.

Замонавий жамиятда хизматлар соҳаси миллий иқтисодийнинг асосий локомотиви вазифасини бажаради. Чунки, хизматлар соҳасининг реал ишлаб чиқариш соҳасидан фарқли афзалликларидан бири шундан иборатки, мазкур соҳа жуда кўп миқдордаги маблағларни талаб қилмайди. Шунингдек, баъзи бир хизмат турлари борки, улар фаолиятида ишлаб чиқаришдаги каби маҳсул бир бино-иншоотларга зарурат туғилмайди. Шунинг учун ҳам, истикболда хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодийнинг асосий таянчига айланади.

Хизматлар соҳасининг назарий асослари ҳали шаклланиш жараёнида бўлиб, ушбу соҳадаги иқтисодий категорияларнинг моҳиятини бугунги куннинг асосий талабларига мослаштирган ҳолда очиқ беришни тақозо қилади. Хусусан, “хизмат” тушунчасига давлат-жамият-бизнес тамойили сифатида ёндашган ҳолда таъриф берилиши лозим. Яъни, хизмат - давлат-бизнес-жамият манфаатларига бирдек фойдали ва уларнинг ҳеч бирига зарар етказмаган ҳолда кўрсатилиши ҳамда ижтимоий зарурий нафлиликни яратишда иштирок этиши лозим. Шундагина, хизматларни давлат-бизнес-жамият маанфатларига зид бўлмаган ҳолда кўрсатиш орқали жамиятдаги меъёрлар, хусусан экологияни ҳимоя қилиш ҳамда хизматларни талаб миқдори ва сифатига мос равишда йўналтириш орқали ресурсларни исрофгарчилигини олдини олиш мумкин.


Шу туфайли, **хизмат** – бу давлат-бизнес-жамият манфаатларига бирдек фойдали бўлган, уларнинг ҳеч бирига зарар етказмайдиган, ижтимоий зарурий нафлиликни яратишда иштирок этадиган, бозор иқтисодиёти субъектлари томонидан бир-бирига тақдим қилинадиган жараён ҳисобланади.

Бизга маълумки, хизматлар бозорга тақдим этиладиган ва бозорга тақдим этилмайдиган хизматларга бўлинади. Бозорга тақдим этиладиган хизматларга таълим, соғлиқни сақлаш, овқатланиш, ахборотлаштириш, туризм, транспорт хизматлари ва ҳоказоларни киритишимиз мумкин. Бозорга тақдим этилмайдиган, яъни айирбошланмайдиган хизматларга эса муҳофаа, жамоат тартиботини сақлаш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш қабиларни киритиш мумкин. Демак, бозорда айирбошланмайдиган хизматлар таркибида сервис

кўрсатилмайди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тушунчаси сервис тушунчасига қараганда кенгроқ маънони билдиради. Яъни, сервис – хизмат кўрсатишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бизнингча, **сервис** деб, бозорда айирбошланадиган хизматнинг таркибий қисми ҳисобланиб, истеъмолчини юқори нафлиликка эришишига йўналтирилган ва эвазига пул олиниши ҳам олинмаслиги ҳам мумкин бўлган хизматга айтилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки экологик ривожлантиришнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги сабабли, олимларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш борасидаги назарий қарашларини инобатга олиб, хизматлар соҳасининг такомиллаштирилган иқтисодий-ижтимоий вазифалари қаторига бугунги кунда долзарб аҳамият касб этувчи экологик вазифалари ҳам ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Хизматлар соҳасининг иқтисодий-ижтимоий ҳамда экологик вазифалари⁶

Бозор муносабатларини самарали олиб боришда минтақавий ёндашув алоҳида аҳамият касб этади. Кўп йиллар давомида минтақавий ривожланиш ва унда юзага келадиган муаммоларга ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан ёндашилган. Бугунги кунда минтақавий ривожланишга номоддий соҳа жиҳатидан ёндашиш долзарб ва қизиқарли масалалардан бири ҳисобланади.

⁶ Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларда ишлаб чиқилган минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш тамойилларида бугунги куннинг асосий шarti бўлган экологик ва рақамли иқтисодиёт омиллари ҳамда самарали ғарб тажрибалари эътибордан четда қолдирилганлини аниқланди. Шуларни ҳисобга олиб, минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш қуйидаги тамойилларга асосланиши лозимлиги таклиф қилинди (2-расм).



2-расм. Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш тамойиллари⁷

Хизматлар соҳасининг хорижий тажрибаларини ўрганиш, улар орасидан Ўзбекистон ва унинг минтақалари учун мос бўлганларини танлаб олиш мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини ва трансформациясини кучайтиради. Хизматлар соҳаси бўйича шаклланган тажрибалардан, айниқса тадқиқот объекти бўлган Хоразм вилояти иқтисодий тизими учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, АҚШнинг фан-техника тараққиёти айниқса, ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасидаги инновацион тадқиқотларни

⁷ Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

молиялаштириш, Хитойнинг компьютер хизматларига хорижий инвестицияларни рағбатлантириш, Япониянинг хизмат кўрсатиш корхоналарининг кичик, ўрта ва йириклик ҳажмига қараб субсидиялар ажратиш, Германиядаги каби хизматлар соҳасида банкларнинг фаоллигини ошириш ва аутсорсинг хизматларини жадаллаштириш, Россиянинг экологик хизматларни ривожлантириш ва хизматлар соҳасида йирик экспортчига айланиш борасидаги сиёсатларини Ўзбекистон ва унинг минтақаларида қўлланилиши мамлакат иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшади.

Диссертациянинг **“Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш”** деб номланган иккинчи бобда Хоразм вилоятида хизматлар соҳасининг комплекс таҳлили, минтақада хизматлар соҳасини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар таҳлили ва туризм хизматларини ривожлантиришда унинг экологияга таъсирини баҳолаш каби масалалар тадқиқ қилинган.

Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, вилоят хизматлар соҳасининг бир қатор иқтисодий кўрсаткичлари республиканикига қараганда нисбатан паст эканлиги аниқланди. Жумладан, 2019 йилда хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 30 фоиз ва соҳада банд аҳоли улуши 47 фоизни ташкил қилган⁸. Шунингдек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми бўйича республика кўрсаткичи вилоят кўрсаткичига қараганда 1,8 баробар кўплиги аниқланди⁹. Бу эса, вилоят хизматлар соҳасида қатор муаммолар борлигини билдириб, уларни бартараф этишга доир хизматлар соҳасининг барча турлари бўйича самарадорликни оширишга қаратилган аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун соҳанинг самарадорлигини баҳолаш зарур. Бунинг учун 1-жадвалдаги формулалардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Ушбу берилган формулалар ёрдамида аниқланган натижаларга кўра, Хоразм вилоятда хизматлар соҳасидаги капитал самарадорлиги 13 йил мобайнида 11,2 фоизга камайган. Бу эса, хизматларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар ортганидан далолат беради. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги капитал самарадорлигининг камайиши ва хизмат кўрсатиш харажатларининг ошиши соҳанинг рақобатбардошлик даражасининг ошганидан далолат беради. Натижада, соҳада фаолият бошлашни истовчи янги корхоналардан каттароқ капиталга эга бўлиш талаб қилинади. Инвестиция самарадорлиги 2007 йилда 4,36 бирликни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 60,3 фоизга ошиб, 6,97 бирликни ташкил қилган. Бу эса, ўз навбатида, вилоятда хизматлар соҳасининг инвестицион жозибadorлиги юқори эканлигини ифодалайди. Корхоналар самарадорлиги 2007 йилда 66,0 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 466,2 млн. сўмга етган. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигининг ошишига қатор омилларни сабаб қилиш мумкин. Буларнинг асосий сабаби бўлиб, давлатнинг сўнгги йилларда тадбиркорликни

⁸ Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари.

⁹ Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

қўллаб-қувватлашга қаратилаётган сиёсати ҳисобланади. Вилоятда 2007 йилда бир ишчи кучи 1588936 сўмлик хизмат яратган бўлса, йилларда давомида тебранишлар содир бўлиб, 2019 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 15871130 сўмни ташкил қилган, 12 йил мобайнида деярли 10 баробар ортган. Бу эса, соҳада ишчи кучининг малакаси ошган ва янги кўникмалар ўзлаштирилганлигини англатади.

1-жадвал

Хизматлар соҳасидаги самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш формулалари¹⁰

№	Самарадорлик кўрсаткичлари	Ҳисоблаш формуласи
1	Капитал самарадорлиги	$K_{\text{сам(хиз)}} = \frac{X_{\text{хизматлар ҳажми}}}{X_{\text{хизматлар соҳасида ас.кап.ҳажми}}} * 100\%$
2	Капитал сиғими	$K_{\text{сиғ(хиз)}} = \frac{X_{\text{хизматлар соҳасида ас.кап.ҳажми}}}{X_{\text{хизматлар ҳажми}}} * 100\%$
3	Инвестиция самарадорлиги	$I_{\text{сам(хиз)}} = \frac{X_{\text{хизматлар ҳажми}}}{X_{\text{хизматлар соҳасида ас.кап.инвестиция}}} * 100\%$
4	Ишчи кучи самарадорлиги	$IK_{\text{сам(хиз)}} = \frac{X_{\text{хизматлар ҳажми}}}{X_{\text{хизматлар соҳасида бандлар сони}}}$
5	Қўшилган капитал эвазига олинган қўшилган хизмат ҳажми	$K_{\text{қўшилган } X_{\text{хизмат}}} = \frac{\Delta X_{\text{хизмат}}}{\Delta K_{\text{апитал(хиз)}}}$
6	Қўшилган ишчи кучи эвазига олинган қўшилган хизмат ҳажми	$K_{\text{қўшилган } X_{\text{хизмат}}} = \frac{\Delta X_{\text{хизмат}}}{\Delta I_{\text{ишчи } K_{\text{учи(хиз)}}}}$
7	Битта хизмат кўрсатиш корхонасига тўғри келадиган хизматлар ҳажми	$X_{\text{из.ҳаж.(1 кор)}} = \frac{X_{\text{хизматлар ҳажми}}}{X_{\text{хизмат.кўр.кор.сони}}}$
8	Қўшилган корхоналар эвазига олинган қўшилган хизмат ҳажми	$K_{\text{қўшилган } X_{\text{хизмат}}} = \frac{\Delta X_{\text{хизмат}}}{\Delta K_{\text{орхона(хиз)}}}$

Туризм хизматлари соҳаси мамлакатнинг, шунингдек туристик минтақа ҳисобланган Хоразм вилоятининг иқтисодий ҳаётида беқиёс ўринга эга ҳисобланади. Туризм хизматларини ривожлантиришда унинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки экологик жиҳатларига ҳам эътибор бериш зарур. Яъни, туризм соҳасини барқарор ривожлантириш, бунинг учун эса унинг экологияга таъсирини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Туризмнинг экологияга таъсирини баҳолашда амалиётда мавжуд фойдаланиш мумкин бўлган статистик маълумотлар ёрдамида фақат хорижий туристларга меҳмонхона хизматларини кўрсатиш жараёнида тўпланадиган маиший чиқинди


¹⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида жамланган.

ҳажмини баҳолаш мумкин. Бунинг учун эса қуйидаги формулани таклиф этамиз:

$$y = T_x * V_{x.t.c.q} * C. Ч_M \quad (1)$$

Бу ерда: y –туристларнинг меҳмонхона хизматларидан фойдаланганлиги натижасидаги экологияга чиқаётган маиший чиқиндилар миқдори; T_x –хорижий туристлар сони (Хоразм вилоятида 2019 йилда $T_x = 146153^{11}$); $V_{x.t.c.q}$ – хорижий туристларнинг суткалик қолиш вақти (Хоразм вилоятида 2019 йилда $V_{x.t.c.q} = 1,5^{12}$); $C. Ч_M$ – меҳмонхоналардан 1 ўрин учун суткалик маиший чиқинди ҳажми (Хоразм вилоятида 2019 йилда $C. Ч_M = 1,161 \text{ кг}^{13}$).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туризм хизматларини экологияга таъсирини баҳолашни қуйидагича амалга оширишни таклиф этамиз:



3-расм. Туризм хизматларининг экологияга таъсирини баҳолаш усули¹⁴

Ушбу усулга асосланган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда Хоразм вилоятида хорижий туристларга меҳмонхона хизматлари кўрсатилиши натижасида 254,525 минг тонна маиший чиқинди тўпланган. Holt-Winters мультипликатив модел ёрдамида 2020 йилда Хоразм вилоятида хорижий туристларга меҳмонхона хизматларини кўрсатилиши натижасида 416,991 минг тонна маиший чиқинди тўпланиши прогноз қилинди. Бундан кўринадики, туризм соҳасини истиқболини белгилашда унинг салбий оқибатлари, яъни экологияга таъсирини ҳам инобатга олиш зарур бўлади.

Тадқиқот ишининг “**Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари**” деб номланган учинчи бобида минтақада хизматлар соҳасини барқарор ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни шакллантиришда хизматлар соҳасини рақамлаштириш ҳамда

¹¹ Хоразм вилоят туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари.

¹² Хоразм вилоят туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари.

¹³ Хоразм вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари.

¹⁴ Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

минтақада хизматлар соҳасини оптимал тартибга солиш механизлари такомиллаштирилган.

Бизнингча, ҳозирги кунда хизматлар соҳасига оид илмий-тадқиқотларда асосий камчиликлардан бири – бу соҳанинг барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштиришга кам эътибор қаратилаётганлиги ҳисобланади. Ваҳоланки, бугунги жаҳондаги глобаллашув жараёнлари иқтисодий ва унинг соҳаларини барқарор ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Хизматлар соҳасини барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштиришда, аввало соҳанинг барқарор ривожланиш даражасини аниқлаш йўналишида илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Диссертацияда мавжуд усул ва ёндашувларга асосланиб, хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда минтақада хизматлар соҳасининг барқарор ривожланиш даражасини аниқлашнинг такомиллаштирилган усули таклиф қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Минтақада хизматлар соҳасининг барқарор ривожланиш даражасини аниқлашнинг такомиллаштирилган усули¹⁵

$\text{ХсБД}_{\text{минтақа}} = \sqrt[3]{\text{ХИқБ}_{\text{минтақа}} * \text{ХИЖБ}_{\text{минтақа}} * \text{ХЭБ}_{\text{минтақа}}} * 100\%$ $\text{ХсБД}_{\text{минтақа}} [0-100\%]$ <p>70 < ХсБД_{минтақа} ≤ 100 – юқори барқарор ривожланиш; 50 < ХсБД_{минтақа} ≤ 70 – ўртача барқарор ривожланиш; 30 < ХсБД_{минтақа} ≤ 50 – қониқарли барқарор ривожланиш; 15 < ХсБД_{минтақа} ≤ 30 – қониқарсиз барқарор ривожланиш; 0 ≤ ХсБД_{минтақа} ≤ 15 – жуда ёмон барқарор ривожланиш.</p>		
Иқтисодий барқарорлик	Ижтимоий барқарорлик	Экологик барқарорлик
$\text{ХИқБ}_{\text{минтақа}} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=5} e_i$	$\text{ХИЖБ}_{\text{минтақа}} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=4} s_i$	$\text{ХЭБ}_{\text{минтақа}} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} g_i$
Иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари	Ижтимоий барқарорлик кўрсаткичлари	Экологик барқарорлик кўрсаткичлари
$e_1 = \frac{\text{Хиз. Ҳаж.}}{\text{ЯҲМ}}$	$s_1 = \frac{\text{Аҳ. Ж. Б. Хиз. Ҳаж.}}{\text{Аҳ. Ж. Б. ЯҲМ. Ҳаж.}}$	$g_1 = \frac{\text{Хиз. Соҳ. Ас. Кап. Инв. Ҳаж.}}{\text{Жам. Ас. Кап. Инв. Ҳаж.}}$
$e_2 = \frac{\text{Хиз. Соҳ. Банд. Сони}}{\text{Жам. Банд. Сони}}$		
$e_3 = \frac{\text{Хиз. Соҳ. Ас. Кап. Ҳаж.}}{\text{Жам. Ас. Кап. Ҳаж.}}$	$s_2 = \frac{\text{Аҳ. Ж. Б. Иж. Хиз. Ҳаж.}}{\text{Аҳ. Ж. Б. Хиз. Ҳаж.}}$	$g_2 = 1 - \frac{\text{Хиз. Соҳ. Атм. Чиқ. Газ. Ҳаж.}}{\text{Атм. Чиқ. Жам. Чиқ. Газ. Ҳаж.}}$
$e_4 = \frac{\text{Пул. Хиз. Ҳаж.}}{\text{Жам. Хиз. Ҳаж.}}$		
$e_5 = \frac{\text{Хиз. Соҳ. Корх. Сони}}{\text{Жам. Корх. Сони}}$	$s_3 = \frac{\text{Иж. Хиз. Ҳаж.}}{\text{Жам. Хиз. Ҳаж.}}$	$g_3 = \frac{\text{Экол. Хиз. Ҳаж.}}{\text{Жам. Хиз. Ҳаж.}}$
	$s_4 = \frac{\text{Уй. Хўж. Хиз. Сарф.}}{\text{Уй. Хўж. Жам. Сарф.}}$	

¹⁵ Манба: Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

Бу ерда:

$X_{\text{СБД}}_{\text{минтақа}}$ - минтақада хизматлар соҳасининг барқарор ривожланиш даражаси;

$X_{\text{ИҚБ}}_{\text{минтақа}}$ - минтақада хизматлар соҳасининг иқтисодий барқарорлик даражаси;

$X_{\text{ИЖБ}}_{\text{минтақа}}$ - минтақада хизматлар соҳасининг ижтимоий барқарорлик даражаси;

$X_{\text{ЭБ}}_{\text{минтақа}}$ - минтақада хизматлар соҳасининг экологик барқарорлик даражаси;

e_1 - хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши;

e_2 - хизматлар соҳасида бандлар сонининг жами иқтисодиётда бандлар сонидagi улуши;

e_3 - хизматлар соҳасидаги асосий капитал ҳажмининг иқтисодиётдаги жами асосий капитал улушидаги ҳажми;

e_4 - хизматлар ишлаб чиқарилишида пуллик хизматлар улуши;

e_5 - хизматлар соҳасидаги корхоналарнинг жами корхоналар сонидagi улуши;

s_1 - аҳоли жон бошига тўғри келувчи хизматлар ҳажмининг ялпи ҳудудий маҳсулотининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажмидаги улуши;

s_2 - аҳоли жон бошига тўғри келувчи ижтимоий хизматларнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи умумий хизматлар ҳажмидаги улуши;

s_3 - ижтимоий хизматларнинг умумий хизматлар ҳажмидаги улуши;

s_4 - уй хўжалиқларининг хизматлар харид қилишга сарфларининг жами сарфлардаги улуши;

g_1 - хизматлар соҳасидаги асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодиётдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши;

g_2 - жами атмосферага чиқётган чиқинди ва газ ҳажмидаги улушидан хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг атмосферага чиқараётган чиқинди ва газ ҳажмидан ортиқча қисми;

g_3 - табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилаётган хизматлар яъни экологик хизматлар ҳажмининг умумий хизматлардаги улуши.

Таклиф этилаётган усул ёрдамида Хоразм вилоятининг хизматлар соҳасининг барқарор ривожланиш даражаси баҳоланди. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда Хоразм вилояти хизматлар соҳасининг барқарор ривожланиш даражаси 36 фоизни ташкил этганлиги аниқланиб, бу кўрсаткич қониқарли барқарор ривожланиш сифатида баҳоланди. Шунингдек, барқарор ривожланиш компонентларидан бўлган иқтисодий барқарорлик кўрсаткичи 48 фоиз (қониқарли), ижтимоий барқарорлик кўрсаткичи 34 фоиз (қониқарли) ва экологик барқарорлик кўрсаткичи 29 фоизни (қониқарсиз) ташкил қилганлиги аниқланди (4-расм). Ушбу усулдан фойдаланиш, минтақаларда хизматлар соҳасининг барқарор ривожланиш истиқболларини белгилаш имкониятини бериши аниқланди.



4-расм. Хоразм вилояти хизматлар соҳасини барқарор ривожланиш даражасини ифдаловчи кўрсаткичлар¹⁶

